

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ИСТЕЪМОЛ ЭТИЛ СПИРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРДА
ЖОЙЛАШГАН ЭТИЛ СПИРТИНИНГ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ
БЎЙИЧА ЛАБОРАТОРИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон **Фармони** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголь ва тамаки бозорини самарали тартибга солишни таъминлаш тўғрисида» 2019 йил 8 июндаги 474-сон **қарори** ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **низом иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар (кейинги ўринларда Лаборатория деб аталади) унинг мудури ва технологидан иборат тузилмада ташкил этилади.

3. Инспекция уч ой муддатда «Бектемир-спирт экспериментал заводи» АЖ ҳудудида Лаборатория ташкил этилишини таъминласин.

4. Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарга Инспекция Лабораторияларининг самарали ишлаши, шу жумладан, Лаборатория ходимларининг ушбу корхоналар ҳудудига тўсиқсиз ва монеликсиз кириб-чиқишлари ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш тавсия этилсин.

5. Лабораторияларни ташкил этиш, сақлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Инспекциянинг оператив бошқарувига ўтган кундан бошлаб Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланиши белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 февраль,
97-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 97-сон қарорига
ИЛОВА

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда (кейинги ўринларда корхона деб аталади) жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар фаолиятини тартибга солиди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

корхона — истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхона;

истеъмол этил спирти — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган ректификатланган этил спирти;

Инспекция — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси;

Лаборатория — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораторияси;

норматив техник ҳужжатлар — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар).

3. Инспекция лабораторияларида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги бўйича синов ва таҳлилдан ўтказилади.

4. Лаборатория Инспекциянинг таркибий тузилмаси ҳисобланади. Лаборатория мудири, технологи ва ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларга қўйиладиган талаблар, лабораториялар ходимларининг умумий сони Инспекциянинг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

2-боб. Лабораториянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Лабораториянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Лабораториядаги ўлчаш асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозлар доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

корхоналарда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти сифатини аниқлаш ва синов натижалари баённомасини (кейинги ўринларда баённома деб аталади) тузиш;

истеъмол этил спирти ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини аниқлаш.

6. Лаборатория асосий вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Лабораториядаги ўлчаш асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозлар доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлаш йўналишида:

Лабораториядаги ўлчаш асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозлар ҳолатини мунтазам равишда мониторинг қилиш;

носоз ўлчаш асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозлар тўғрисида Инспекцияга хабар бериш ҳамда уларни тузатиш чораларини кўриш;

уларни ўз вақтида белгиланган тартибда давлат қиёслов кўригидан ўтказиш;

б) корхоналарда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти сифатини аниқлаш йўналишида:

корхонанинг моддий жавобгар шахси билан биргаликда ишлаб чиқариш шароитидан келиб чиқиб, қуйиш бўлиmidан норматив техник ҳужжатлар талабига мувофиқ истеъмол этил спирти намуналарини олиш ва лаборатория синовидан ўтказиш;

синов натижалари асосида маҳсулот туркумининг норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида баённомани расмийлаштириш;

истеъмол этил спиртини сотувчи ва харид қилувчи корхоналар вакиллари иштирокида юкланган маҳсулотдан намуна олиш ва таҳлил қилиш;

в) истеъмол этил спирти ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини аниқлаш йўналишида:

корхонага қабул қилинган истеъмол этил спирти ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашёнинг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

корхонага қабул қилинган ишлаб чиқаришда қўлланиладиган барча ёрдамчи материалларнинг мувофиқлик сертификатига ва норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3-боб. Лабораториянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Лаборатория қуйидаги асосий ҳуқуқларга эга:

истеъмол этил спирти ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва барча ёрдамчи материалларни корхонага қабул қилишда иштирок этиш;

корхонанинг барча хом ашё ва бошқа ёрдамчи материалларни сақлаш бўлим (жой)ларига ҳамда тайёр маҳсулотлар сақланадиган омборларига тўғридан-тўғри корхона вакили билан биргаликда намуна олиш учун кириш;

корхонага технологик ускуналар ҳолати ва ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши бўйича тавсия киритиш;

корхонага тегишли тарзда ишлаш учун зарур техник шароитларни таъминлаш бўйича тавсия киритиш;

ишлаб чиқарилган этил спирти сифатини аниқлаш учун барча маълумот ва ахборотларни олиш;

истеъмол этил спирти сифатини аниқлаш учун зарур бўлган кимёвий реактивлар, намунавий эритмалар, шунингдек, Лабораториянинг жорий

фаолиятини амалга ошириш учун зарур ашёлар билан таъминлаш тўғрисида Инспекцияга мурожаат қилиш.

Лаборатория қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Лаборатория қуйидаги мажбуриятларга эга:

ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртидан олинган намуналарнинг норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан баённомани расмийлаштириш ва ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим этиш;

Лаборатория иш фаолияти, синов натижалари, истеъмол этил спирти сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ва салбий ҳолатлар ҳақида доимий равишда корхона раҳбари ва Инспекцияга ёзма равишда ахборот бериб бориш;

Лабораториядаги ўлчаш асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозларининг доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлаш, уларни ўз вақтида белгиланган тартибда давлат қиёсловидан ўтказишга тақдим этиш;

носоз ўлчов асбоблари, синов ускуналари ва жиҳозлар тўғрисида Инспекцияга хабар бериш ҳамда уларни тузатиш чораларини кўриш;

намуна сифатида олинган истеъмол этил спирти норматив техник ҳужжатлар талабларига мос ҳолда сақланишини таъминлаш;

намуна сифатида олинган истеъмол этил спиртини Лабораторияда норматив техник ҳужжатларда белгиланган сақлаш муддати ўтгандан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш;

корхонада ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртининг ҳажми ва сифати бўйича Инспекция томонидан белгиланган тартибда Инспекцияга ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиб бориш.

Лаборатория қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Лаборатория фаолиятини ташкил этиш

9. Лабораторияга Инспекция бошлиғининг ўринбосари тақдимномаси бўйича Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган мудир бошчилик қилади.

Лаборатория технологи Инспекция бошлиғининг ўринбосари ҳамда лаборатория мудирининг тақдимномаси бўйича Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

10. Лаборатория мудирини бўлмаган даврда унинг ваколатлари ва вазифалари Лаборатория технологи томонидан амалга оширилади.

11. Лаборатория ходимларига корхонада амалда бўлган иш режими татбиқ қилинади. Истеъмол этил спирти ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини инобатга олган ҳолда Лаборатория ходимларининг иш вақти корхона ва Инспекция томонидан келишилган жадвалга мувофиқ белгиланади.

5-боб. Лабораториянинг Инспекция олдидаги ҳисобдорлиги

12. Лаборатория мудирини Инспекция олдида Лаборатория фаолияти натижалари тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот беради.

13. Инспекция Лабораторияга юкланган вазифаларни самарали бажарилиши бўйича унинг фаолиятини доимий мониторингини олиб боради, Лаборатория фаолияти самарадорлигига ҳар ойда (чоракда) ҳолисона баҳо беради.

6-боб. Хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртини синовдан ўтказиш тартиби

14. Лаборатория томонидан хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш, истеъмол этил спиртидан намуналар олиш ҳамда синовдан ўтказиш ушбу Низомга **1-иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

15. Корхонага ҳар бир хом ашё ва ёрдамчи материаллар тушган вақтда корхона вакили билан биргаликда норматив техник ҳужжатлар асосида намуна олинадиган ва синовдан ўтказилади.

16. Хом ашё ва ёрдамчи материаллардан олинган намуналарнинг синов натижаларига кўра уларнинг сифат кўрсаткичлари норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги назорат қилиб борилади.

17. Лаборатория мудирининг ёки ходими корхонанинг моддий жавобгар шахси билан биргаликда ишлаб чиқариш шароитидан келиб чиқиб, истеъмол этил спиртидан норматив техник ҳужжатлар асосида намуналар танлаб олади.

18. Намуналар корхона томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртидан ушбу Низомга **2-иловада** келтирилган Намуналарни танлаш далолатномасига мувофиқ олинадиган ва расмийлаштирилади.

19. Танлаб олинган намуналарнинг бир қисми лабораторияда таҳлил қилиш учун ишлатилади ва қолган қисми Лабораторияда норматив техник ҳужжатларга мувофиқ белгиланган муддатгача сақланади.

20. Истеъмол этил спирти белгиланган тартибда Лаборатория мудирининг ва ходими томонидан лаборатория синовидан ўтказилади.

21. Синов натижалари асосида Лаборатория мудирининг томонидан маҳсулот туркумининг норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ҳақида ушбу Низомга **3-иловада** келтирилган баённома билан расмийлаштирилади ҳамда рўйхатга олинадиган.

22. Намуналарнинг синовдан ортган қисми сақлаш муддати ўтгандан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилади ва Лаборатория мудирининг томонидан ушбу Низомга **4-иловада** келтирилган Қайтариш далолатномаси расмийлаштирилади.

23. Истеъмол этил спиртидан намуналар танлаш ва қайтариш далолатномалари ушбу Низомга **5-иловага** мувофиқ Лаборатория мудирининг томонидан қайд этиш дафтарига киритиб борилади.

24. Истеъмол этил спирти туркуми бўйича Лабораториянинг баённомаси ижобий бўлса, маҳсулот тайёр маҳсулотлар омборхонасига юборилади.

25. Қабул қилинаётган истеъмол этил спиртининг туркуми норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, лаборатория ва корхона вакиллари томонидан қайта синовдан ўтказилади.

26. Қайта синов натижаларига кўра истеъмол этил спирти норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, истеъмол этил

спирти туркуми белгиланган тартибда корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилади. Лаборатория мудирлари ушбу ҳолат бўйича Инспекция бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

Корхона томонидан эса ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар таҳлил қилиниб норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган истеъмол этил спирти ишлаб чиқарилганлиги сабаблари аниқланади ва аниқланган камчилик бартараф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилган спирт қайта тозаланади ҳамда ушбу Низомнинг **17-бандига** мувофиқ намуналар олинади ва белгиланган тартибда синовдан ўтказилади.

Синовдан қайтган ва қайта тозалашдан ўтган истеъмол этил спирти сифати такроран норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда корхонага Инспекция томонидан белгиланган тартибда чора кўрилади.

27. Норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида Лабораториянинг баённомаси олинмаган ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртини тайёр маҳсулотлар омборига юбориш тақиқланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Лаборатория мудирлари ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртининг синов натижалари бўйича расмийлаштирган баённомалари учун жавобгар ҳисобланади.

29. Лаборатория томонидан юритиладиган барча иш журналлари ва дафтарлари рақамланган, тикилган, шунингдек, Инспекция бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан белгиланган тартибда имзоланган ҳамда муҳрланган бўлиши лозим.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **низомига**

1-ИЛОВА

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораторияларнинг фаолияти

СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1- босқич	Ишлаб чиқарувчи корхона	1. Корхонага тушган барча хом ашё ва ёрдамчи материаллари бўйича Лабораторияни хабардор қилиш. 2. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот бўйича Лабораторияни хабардор қилиш.	1. Ҳар бир хом ашё ва ёрдамчи материаллар тушган вақтда. 2. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга юборилмасдан аввал.

	Лаборатория ва ишлаб чиқарувчи корхона вакили	<ol style="list-style-type: none"> 1. Корхонага тушган барча хом ашёдан намуна олиш ва синовдан ўтказиш. 2. Корхонанинг ёрдамчи материалларидан намуна олиш ва синовдан ўтказиш. 3. Хом ашё ва ёрдамчи материаллардан олинган намуналарнинг синов натижаларига кўра уларнинг сифат кўрсаткичлари техник норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хом ашё олинган вақтда. 2. Ёрдамчи материаллар олинганда. 3. Доимий равишда.
2- босқич	Лаборатория	<ol style="list-style-type: none"> 1. Истеъмол этил спиртидан техник норматив ҳужжатлар асосида намуналар танлаб олиш. Бунда ушбу Низомга 2-иловада келтирилган Намуналарни танлаш далолатномасига мувофиқ олинади ва расмийлаштирилади. 2. Намуналарни норматив ҳужжатлар асосида лаборатория синовидан ўтказиш. 3. Синов натижалари бўйича Низомга 3-иловага мувофиқ баённомани расмийлаштириш ҳамда рўйхатга олиш. 4. Намуналарнинг синовдан ортган қисмини корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш ва уни ушбу Низомга 4-иловада келтирилган қайтариш далолатномаси билан расмийлаштириш. 5. Қайтариш далолатномаларини ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳар куни. 2. Намуналар олиб бўлгандан кейин. 3. Синов ўтказилгандан кейин. 4. Намунани сақлаш муддати тугагандан сўнг 5. Далолатнома тузилгандан кейин.

		қайд этиш дафтарига киритиб бориш.	
3- босқич	Лаборатория	<p>1. Қабул қилинаётган истеъмол этил спиртининг туркуми техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, уни қайта синовдан ўтказиш.</p> <p>2. Қайта синов натижаларига кўра истеъмол этил спирти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда истеъмол этил спирти туркумини белгиланган тартибда корxonанинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш.</p>	Ҳар бир туркум номувофик деб топилган пайтда
4- босқич	Лаборатория	<p>1. Истеъмол этил спирти туркуми бўйича лабораториянинг баённомаси ижобий бўлса, маҳсулотни тайёр маҳсулотлар омборхонасига юбориш.</p> <p>2. Лаборатория иш фаолияти, синов натижалари, истеъмол этил спирти сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ва салбий ҳолатлар ҳақида корхона раҳбари ва Инспекцияга ёзма равишда ахборот бериб бориш.</p> <p>3. Корхонада ишлаб чиқарилган истеъмол этил спиртининг ҳажми ва сифати бўйича Инспекцияга ҳисоботлар тақдим этиб бориш.</p>	<p>1. Доимий равишда</p> <p>2. Доимий равишда</p> <p>3. Ҳар ойда</p>
5- босқич	Инспекция	1. Лабораторияга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича унинг	1. Доимий равишда

фаолияти мониторингини олиб бориш.
2. Лаборатория фаолияти самарадорлигига холисона баҳо бериш.

2. Ҳар ойда (чорақда)

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **НИЗОМГА**
2-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI ALKOGOL VA TAMAKI BOZORINI TARTIBGA SOLISH INSPEKSIYASI



**И
АЛКО
МИН**

« _____ » АЖ томонидан 20__ йил « _____ » _____
этил спиртидан намуналар танлаш _____
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Мен (Биз), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозори инспекцияси (АЖ)нинг _____
спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораторияси ходими(лари) _____

АЖнинг 20__ йил « _____ » _____ даги _____ -сон «Билдиришнома»сига асосан _____

_____ иштирокида корхонанинг _____
истеъмол спиртининг тайёр маҳсулотлар омборхонасига топширилишидан олдин маҳсулотларнинг _____

_____ стандартлар талабларига мослигини _____
намуналар танлаб олдим (олдик):

Т/р	Текшириладиган маҳсулот намуналари	Стандарт белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Тўпдаги сони	Ишчилик сани

Қўшимча маълумотлар: _____

Корхона раҳбариятига: синов тугагунча ёки хулоса берилмагунча намуналар танланган маҳсулотларнинг _____ тақиқланади.

Лаборатория ходими(лари) _____

(имз)

Корхона вакили (лари): _____

(имз)

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **НИЗОМГА**
3-ИЛОВА

**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA
VAZIRLIGI HUZURIDAGI ALKOGOL VA
TAMAKI
BOZORINI TARTIBGA SOLISH INSPEKSIYASI**



**ИНСП
АЛКОГОЛ
МИНИСТР**

_____ (корхона томонидан берилган «Билдиришнома»нинг тартиб ра
20__ й «__» _____ даги ____-сон ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти н

_____ (маҳсулот тури)

_____ (маҳсулот миқдори, далда)

СИНОВ НАТИЖАЛАРИ БАЁННОМАСИ № _____

Маҳсулот учун стандарт _____

Синов учун стандарт _____

Физик-кимёвий кўрсаткичлар номи	Стандарт талаб
Этил спиртининг ҳажмий улуши, %, кам эмас	
Сульфат кислота билан тозалигини синаш	
200 С ҳароратда оксидланишни синаш, кам эмас (дақиқа)	
Сувсиз спиртдаги (сирка альдегидига қайта ҳисобланганда) альдегидларнинг масса улуши, мг/дм ³ , кўп эмас	
Сувсиз спиртдаги (изоамил ва изобутил спирт аралашмаларига (3:1) қайта ҳисобланганда) сивуш мойининг масса улуши, мг/дм ³ , кўп эмас	
Сувсиз спиртдаги (сирка — этил эфирига қайта ҳисобланганда) эфирларнинг масса улуши, мг/дм ³ , кўп эмас	
Сувсиз спиртга қайта ҳисобланганда метил спиртининг ҳажмий улуши, %, кўп эмас	
Сувсиз спиртдаги (СО ₂ -сиз) озод кислоталарнинг масса улуши, мг/дм ³ , кўп эмас	

Таркибида фурфурол

_____ намуналар стандарт талабларига жавоб беради (

Лаборатория мудири

_____ (имзо)

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **НИЗОМГА 4-ИЛОВА**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA
VAZIRLIGI HUZURIDAGI ALKOGOL VA TAMAKI
BOZORINI TARTIBGA SOLISH INSPEKSIYASI**



**И
АЛКО
МИН**

« _____ » АЖ томонидан 20__ йил « _____ »
этил спиртидан танланган намуналар қайтариш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Мен (Биз), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бошқаруви этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораторияси ходими(лари)

АЖнинг 20__ йил « _____ » _____ даги _____ -сон «Билдиришнома»сига асосан

_____ иштирокида корхонанинг _____
истеъмол спиртининг тайёр маҳсулотлар омборхонасига топширилишидан олдин маҳсулот

_____ стандартлар талабларига мослиги
танлаб олинган намуналарни қайтардим (қайтардик):

Т/р	Текширилган маҳсулот намуналари	Стандарт белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Тўпдаги сони	Ишчилик сани

Қўшимча маълумотлар: _____

Лаборатория ходими(лари) _____

(имз)

Корхона вакили (лари):

(имз)

Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар тўғрисидаги **низомга**
5-ИЛОВА

Олинган истеъмол этил спирти намуналарининг синовдан ортган қисмини ишлаб чиқарувчи корхонага қайтариб топшириш

ДАФТАРИ

	Сан а Т/ (кун р, ой, йил)	Намуна танлаб олиш далолатномаси нинг тартиб рақами ва санаси	Танлаб олинган намунани нинг миқдори (литр)	Синовдан кейин корхонага қайтарилг ан миқдори (литр)	Қабул қилиб олган шахсинин г фамилия си, исми, отасинин г исми, имзоси ва сана	Қолд иқ миқд ор (литр)	Қолдиқ миқдо рни қабул қилиб олган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси ва сана
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2020 й.,
09/20/97/2020-сон)*